



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RSTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO
DAVLAT
1930 UNIVERSITETI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

CERTIFICATE

БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИДА

га

фАОЛ ИШТИРОКИ УЧУН БЕРИЛДИ



Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор:

О.С.Қаххоров

31 январь 2020 йил

А.Х.Сайдов, М.Қуронов, А.Сагдуллаев, Ў. Мавлонов ва Ф.Равшанов каби олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Бошқарув маданияти инсон маданиятининг таркибий қисми бўлиш билан бирга қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бошқарувчи маданиятли бўлиши шарт, чунки ҳар бир муассасанинг ҳар бир бўлинмаси самарали ишлаши учун унинг ходимлари юксак маданиятга эга бўлишлари керак.

Бошқарув маданияти даражаси ходимлар, айниқса, бошқарувчи маданиятини, бошқарув жараёни маданияти, бошқарув техникаси, меҳнат шароитини акс эттирувчи кўрсаткичлар билан баҳоланади. Бошқарув маданияти унсурларининг турли-туманлиги бошқарув жараёнида турли-туман меъёрларга. Жумладан, ахлоқий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, эстетик меъёрларга риоя қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

XXI АСРДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА УЛАРДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

Абдуллаев Йўлчи Зияевич

**БухДУ Ҳарбий таълим факултети бошлиғининг
ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, доцент**

“Инновацион таълим технологиялари” ва “таълим Инновациялари” тушунчаларининг мазмуни. Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“инноватион”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади.

“Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият. А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равища муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойитиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан иинновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар,

ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ривожланиши борган сари сифат жихатидан янги масалаларни ҳал этиш, ижтимоий амалиётга туб янгиликларни татбиқ қилиш, уларни амалга ошириш жараёнларини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган. Чунки, ижтимоий-иктисодий жараёнларда янгиликлардан фойдаланиш жамиятнинг яшовчанлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу сабабли XXI аср бошларида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлашгагина қаратилмасдан, балки унинг ютуқларини самарали амалга оширишни таъмин этадиган жараёнларга ҳам қаратилди. Жумладан, инновацияларни яратиш ва тарқатишнинг ягона, пухта ишлаб чиқилган механизми ҳозирги вақтда жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг мажбурий қуроли бўлиб қолмоқда. Жамият ҳаётида рўй бераётган ҳозирги ўзгаришлар таълим тизими олдига янги муаммоларни қўймоқда. Масалан, нимани ўқитиш ва қандай ўқитиш муаммоси.

Ўқитиш асрлар давомида маълум билимлар мажмуини эгаллашдан иборат бўлиб келган эди. Ҳозирги пайтда билимларнинг бир авлод ҳаёти давомида эскириб қолаётганлигини нима қилиш керак? Бунда билимлар ҳажми, ҳатто айрим ихтисосликлар доирасида ҳам шунчалик улканки, мавжуд ўқитиш методикалари асосида уни ўзлаштириш амалда мумкин бўлмаётган ҳолда нима қилмоқ керак? Буларнинг ҳаммаси таълим олдида янги ахборотни мустақил қабул қилиш, баҳолаш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қодир бўлган ижодкор шахсни тарбиялаш вазифасини кўйди. Бу эса умуминсоний вазифалар нуктаи назаридангина эмас, балки фан ва ишлаб чиқаришни инсоният учун хавфли оқибатларга олиб келмайдиган даражада ривожланишини таъмин этиш учун ҳам муҳимдир.

Таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти ҳақидаги масала ҳозирги вақтда энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Педагогнинг ижодий потенциали унинг ижодкорлик шахсиятини шакллантиришга интилиши, педагогик одобининг намоён бўлиши, эмпатия (ҳамдардлик, биргаликда қайғуриш) қобилияти, тасаввур ҳамда юмор ҳиссини ривожлантириш, қизиқарли, кутилмаган, порадоксал саволларни қўя олиш лаёқати ўқуви, таҳсил олувчиларни савол беришга жалб қилиш ўқуви кабилар орқали намоён бўлади.

Бугунги кунда таркиб топган таълимнинг энг муҳим элементлари қадимдан шаклланиб келган ва ҳозирда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Таълим мақсади, мазмуни, шакллари, услугуб ва воситалари педагогикада таълим жараёнларини таҳлил

қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар ҳисобланади. Айнан ўша категориялар маълум бир предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўкув тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чикади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равища йўналтирувчи педагогик ва ўкув фаолиятининг қонуният ва мезонлари тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради.

Узоқ йиллар мобайнида кўрсатилган педагогик категориялар ҳажми жамият талаби даражасида мақсадларини рўёбга чиқариш учун етарли бўлиб келган. Тан олиш керакки, педагоглар оммаси ўз замонасидаги педагогик вазиятни барча даврларда қониқарсиз ахволда деб баҳолаб келганлар. Бу ўринда педагогик тушунчаларнинг таъриф ва тавсифларининг ноаниқлиги, таълим жараёнларини тавсифловчи баъзи категорияларнинг етишмаслиги, таълим мақсади, мазмун, шакл, услугуб ва ўқитиш воситалари ўртасидаги ўзаро узвийликнинг мавжуд эмаслиги ҳамма вақт танқид остига олиб келинган «методика» тушунчаси юқори даражадаги субъективликка эга эканлиги билан тавсифланади. Айтиб ўтилган фикрлар бизнингча, иккита муаммони очиб беради, биринчидан, касбий педагогик маълумотга эга ўқитувчиларнинг касбий лаёқатлилик даражаси, иккинчидан, маҳсус педагогик тайёргарликка эга бўлмаслик касбий маҳорати, саводхонлик даражасининг пастлиги.

Педагогик жараён моҳияти ўқитувчи ва таълим олувчининг муайян фаолиятида ўз аксини топади. Бунда педагог таълим олувчига кийинчиликларни енгиб ўтиш учун ёрдам беради. Педагог таълим олувчига эълон қилган, кўрсатган, эслатган, тушунча берган, йўналтирган, ҳаққонийлаштирилган, маслаҳат берган, кенгашган, бартараф этган, ҳамдардлик қилган, илҳомлантирган, қизиқиш ва хурматни изҳор қилган, талабчанликни қўллаб-қувватлаган ҳоллардагина ёрдам беради.

Замонавий ўқитиш технологиялари мажмуавий интегратив тизимлар бўлиб, таълим мақсади билан белгиланган касбий кўникма, малака шахс хислатларини ўрганувчилар томонидан эгалланиши, билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини ўз ичига қамраб олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.А.Сатибалдиев, А.Каримжонов Ҳарбий педагогика Ўкув қўлланма Тошкент 2004 йил 13-16-б.
2. С.С.Хўжаева Педагогика назарияси ўкув услугубий қўлланма Бухоро-2005.

50.	Хайитов Ш.А. Бухоро шаҳрини инновацион ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари	194
51.	Хайдаров Ў.А. Инвестиция фаолиятини молиялаштиришда инновацион ривожланишни такомиллаштириш йўллари	199
52.	Hamroyev K.Q. Таълим тизимини ислоҳ этишда инновацион таълимнинг ўрни	202
53.	Шамсиев А.М., Юсупов Ш.А., Давлатов С.С. Современные инновационные технологии в медицине	205
54.	Эрназаров О.Э. Теоретические аспекты влияния инвестиций и инноваций на экономический рост	209
55.	Гаппарова М. Бўлажак педагогларга инновацион бошқарув маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш омиллари	214
56.	Abdullayev Y.Z. XXI asrda ilm-fan taraqqiyotining rivojlanish istiqbollari va ularda innovatsiyalarning tutgan o'rni.	217
57.	Нигматуллаева Г.Н. Прогнозирование региональной инновационной системы	220

II ШЎЬБА

БУХОРО ВИЛОЯТИ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САЙЁХЛИК (ТУРИЗМ) БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ

58.	Ахмедова С.А., Авезханов Э. Профессиональные умения и навыки специалиста по оздоровительному туризму	225
59.	Амиролов А. Жаҳон туристик бозорида агротуризмнинг роли ва ўзбекистонда ривожлантириш йўллари	226
60.	Асқарова Ш. Инновацион ривожланишда тақкор ва унинг турли тизимли тилларидаги аҳамияти	233
61.	Akhrorova N. Motivations for travelling in youth tourism.	236
62.	Аширова Э. Анализ современного состояния туристической отрасли в Японии	239
63.	Ашурев Ш.С. Economical and touristical bases of innovative development in bukhara region	243
64.	Бекжанов Д.Й. Туристик дестинацияни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	246
65.	Бобоҷонов. Ш.У. Бухорода зиёрат туризми имкониятлари	250
66.	Бобоҷонова Ф.Х. Туризм салоҳиятини кўтаришда мадрасаларнинг роли	253
67.	Болтаев Б., Бахтиёров Б. Замонавий инновацияларнинг музей соҳасини ривожлантиришдаги ўрни	256
68.	Ғайбуллоев Б. Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг вилоятни иқтисодий ривожлантириш ва сайёхларни жалб этишдаги роли	259
69.	Juraqulova S.B. O'zbekiston innovatsion taraqqiyot yo'lida iqtisodiyot va turizm sohasinining bugungi istiqbollari.	262
70.	Yo'ldoshev Q. Bolalarda vatan tuyg'usini shakllantirishda oilaviy turizmni o'rni.	266
71.	Комилжанов Ш.И. Проблемы развития делового туризма в Республике Узбекистан (на примере области Бухара)	269